

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
ДЕПУТАТИ



ДЕПУТАТ
Законодательной палаты
Олий Мажлиса
Республики Узбекистан

100035, Тошкент ш., Бунёдкор кўчаси, 1-уй

100035, г. Ташкент, улица Бунёдкор, дом-1

№ 14/03-1

«25» январь 2018 й.г.

Ўзбекистон Республикаси
Халқ таълими вазири
У.Иноятовга

ДЕПУТАТ СЎРОВИ
("Парламент назорати тўғрисидаги"
Ўзбекистон Республикаси Қонунинг
15-моддаси асосида)

Жорий йилнинг январь ойида ҳудудлардаги ҳақиқий ҳолатни ўрганиш ташкил этилган туманлардаги умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчиларнинг дарсликлар билан таъминланганлик ҳолати ўрганилганда ўқув йилининг бошланганига 4 ойдан ошганига қарамасдан ўрганиш ўтказилган барча умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг дарсликлар билан тўлиқ таъминланмаганлиги, эски дарсликлар билан таъминланганлиги, туман халқ таълим бўлимлари томонидан ўқувчиларнинг дарсликлар билан таъминланганлиги ҳақидаги маълумотлари ҳақиқий ҳолатга мос келмаслиги ҳамда таъминланганлик фоизи ошириб кўрсатилганлиги аниқланди. Бундай ҳолатлар 2017 йил давомидаги ўрганишлар ташкил этилган бошқа туманларда ҳам аниқланган. Мисол учун, 2018 йил 18 январь ҳолатига Фарғона вилояти Ёзёвон туманидаги барча 36 та умумтаълим мактабларида 10 синф бўйича 896 дона ҳуқуқ дарслиги умуман мавжуд эмас, ўрганиш ўтказилган 8 та умумтаълим мактабида эса 5-10 синфлар бўйича жами 200 донага яқин дарсликлар ўқувчиларга умуман етказиб берилмаган, кўплаб ўқувчилар эса фақат эски дарсликлар билан таъминланган.

Дарсликлар билан таъминлаш ўқувчиларнинг сифатли таълим олишларининг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2006 йил 31 майдаги № ПҚ-362 соғлиқ қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Узлуксиз таълим тизимини

дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги 1998 йил 5 январдаги № 4-сонли қарорига асосан умумтаълим мактаблари биринчи синфларининг ўқувчилари учун дарсликлар ҳар йили, 2-4-синфлар учун - икки йилда бир марта ва 5-9-синфлар учун - тўрт йилда бир марта янгиланиши ҳамда Халқ таълими вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда ўқув кутубхоналарини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан етарли даражада тўлдириб боришни таъминлаш вазифалари белгиланган. Шунингдек, “Умумтаълим мактабларини дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш тартиби тўғрисида”ги НИЗОМга асосан ҳар йили Халқ таълими вазирлиги дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни 1 августгача барча умумтаълим мактабларига етказилишини таъминлаши зарур эканлиги белгиланган.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, Сиздан, республика ҳудудидаги барча умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг дарсликлар билан таъминланганлик бўйича маълумотларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш, дарсликлар билан таъминланмаганлик ҳолатларини тўлиқ аниқлаш ҳамда аниқланган ҳолатлар бўйича ўқувчиларни зарур дарсликлар билан таъминлаш юзасидан тезкор чоралар кўриш, дарсликлар билан таъминланганлик ҳолати бўйича асоссиз нотўғри маълумот тақдим этилишини олдини олишга қаратилган таъсирчан механизмларни жорий этиш, мазкур масалада амалдаги қонуночиликни сўзсиз бажарилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатиш, келгусида юқоридаги каби салбий ҳолатларга узил-кесил барҳам бериш, айбдор шахсларга нисбатан қатъий чоралар қўллаш юзасидан таъсирчан чора-тадбирлар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар ҳақида 15 кун муддат ичида ёзма асослантирилган ахборот тақдим этишини сўрайман.

Депутат:



А.Т.Абдукодиров